

Научный центр металлургии при "Узметкомбинате", научная лаборатория черных металлов в Геологическом университете, технологические парки. Молодые специалисты смогут пройти повышение квалификации в престижных зарубежных компаниях и инжиниринговых центрах [6].

Таким образом, для достижения дальнейших высоких темпов роста горно–металлургической промышленности необходимо придерживаться основных направлений развития черной металлургии, обозначенных руководством, наладить непрерывную подготовку высококвалифицированных кадров для отрасли, а также наладить производство и экспорт продукции с высокой добавленной стоимостью.

Список литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП– 60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы»
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по развитию горно– металлургической промышленности и смежных отраслей» от 24 июня 2021 г.
3. [https://stat.uz/ru/ofitsialnaya– statistika/industry](https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/industry)
4. С.Негматов. Металлургия – костяк экономики. Народное слово. 24 Декабрь 2021. <https://xs.uz/ru/post/metallurgiya– kostyak– ekonomiki>
5. <https://stat.uz/ru/press– tsentr/novosti– goskomstata/16092– metallurgicheskaya– promyshlennost– v– respublike– uzbekistan>
6. <https://uz.sputniknews.ru/20220813/chetyre– napravleniya– kak– budet– razvivatsya– metallurgiya– 27088981.html>

**Тўраев Хуршид Баҳридин ўғли,
ТДИУ, МЕКР– 10 гурух магистранти,
Касимов Азамат Абдукаримович,
ТДИУ, PhD, илмий раҳбар**

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Уибұ мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ўрни очиб берилган. Республика ва унинг ҳудудлари кесимида хизматлар соҳаси бўйича таҳлиллар амалга оширилган. Шунингдек, соҳани янада ривожлантириший йўналишлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: хизматлар, сервис, инвестиция, аҳоли, бандлик, меҳнат ресурслари.

Хориж тажрибалари мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда, жумладан янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишда хизматлар соҳаси муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Кийинги давларда мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора– тадбирлар амалга оширилиб, соҳанинг ҳукуқий асоси такомил–лаштирилиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб– қувватлаш чора– тадбирлари тўғри–сида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамгармасидан 100 миллион АҚШ

доллари эквивалентида кредит ажратилиши, кредит тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст қилиб берилиши, кредитлар хизматлар соҳасидаги тадбиркорларга, айниқса майший, таълим, тиббий, ахборот– коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш ва жиҳозлаш учун Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича 1 миллиард сўмгача миқдорда ажратилиши каби муҳим вазифалар белгилаб берилди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 16 июнь куни хизматлар ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган йигилишда [2] “Хизматлар соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради”, “... хизмат кўрсатиш соҳасида кўп иш жойи яратадиган ва тез амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириши зарурлиги”ни таъкидлаб ўтди.

Хизматлар соҳасининг асосий манбаси – бу ахборот ва билимдир. У кундалик ҳаётдаги эҳтиёжларни қондиришга фаол кўмаклашади ҳамда аҳоли турмуш шароити ва интеллектуал салоҳиятини, билим ва кўникмаларини, истеъмол талабининг ўзгариб бориши жараёнларини ишлаб чиқариш соҳасига узлуксиз татбиқ этиб боради.

Хизматлар соҳасини ташкил этиш инвестицион активлар, салоҳиятли меҳнат ресурслари ва бошқа материалларни талаб қиласди. У худди юзлаб ёки минглаб таркибий қисмлардан ташкил топган маҳсулотни ишлаб чиқариш сингари, худди шундай юзлаб ёки минглаб унсурлардан иборат. Бироқ, маҳсулотдан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатиш таркибий қисмлари кўпинча жисмоний шахслар эмас, аксинча режалаштирилган ёки ишлаб чиқилган хизматга эришиш учун тегишли равишда бирлаштирилиши керак бўлган жараёнлар, одамлар кўникмалари ва материалларнинг комбинациясидир [3].

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам хизматлар соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг имкониятлар: корхона ва ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда лицензиялаш тизимишининг соддалаштирилганлиги, имтиёзли банк кредитлари ажратилиши, соҳага керакли техника– технологиялар ва буюмларни импорт қилишда бож тўловларига берилган имтиёзлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Таҳлилларга кўра, 2016– 2021 йиллар мобайнида хизматлар соҳасида ялпи хизматлар ҳажми ўртacha 112,2 фоизга ўсган, жумладан ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари 115,2 фоиз, молия хизматлари 131,1 фоиз, транспорт хизматлари 106,7 фоиз, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 113,3 фоиз, савдо хизматлари 110,3 фоиз, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 111,0 фоиз, таълим соҳасидаги хизматлар 112,9 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 116,9 фоиз, ижара ва лизинг бўйича хизматлар 108,4 фоиз, компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 109,2 фоиз, шахсий хизматлар 105,8 фоиз, мъеморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 116,0 фоиз ва бошқа хизматлар 115,5 фоизга ўсган.

Мамлакатимиз ҳудудларида хизматлар соҳаларида яратилган хизматларнинг ҳудуд аҳолиси жон бошига тўғри келадиган миқдорлар ва уларнинг ўсиш суръатлари бўйича олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмокдаки, 2016– 2021 йилларда аҳолиси жон бошига ўртacha Тошкент шаҳрида 16760,9 минг сўм, Тошкент вилоятида 3480,5 минг сўм, Навоийда 3483,1 минг сўм ва Бухорода 3106,4 минг сўм хизматлар тўғри

келган бўлса, мазкур миқдорнинг паст кўрсаткичлари Қашқадарёда 1969,5 минг сўм, Наманганда 1968,8 минг сўм ва Сурхондарёда 1948,8 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек, мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари бўйича юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (114,7 %), Сирдарё (113,3 %) ва Жиззах (112,7 %) вилоятлари хиссасига тўғри келган бўлса, паст кўрсаткичлар Андижон (109,7 %), Тошкент (109,7 %), Қашқадарё (109,2 %) ва Самарқанд (108,9 %) вилоятларида кўзатилди.

Юқоридаги натижалар билан бир қаторда мамлакатимизда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларга айрим худудларда аҳоли даромадлари пастлиги, электр энергияси ва бошқа таъминот манбаларидаги муаммоларнинг мавжудлиги, интернет тармоғидан фойдаланишининг қимматлиги ва алоқадаги узилишларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Фикримизча, хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун қуидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Пандимия шароитида энг катта зарап кўрган тармоқ бу хизматлар соҳасидир. Чунки, туризм, меҳмонхона, умумий овқатланиш, йўловчи ташиш ва шахсий хизматлар каби кўплаб йўналиш фаолиятлари тўлиқ тўхтатилган эди ва хозирда ҳам қисман фаолият кўрсатмоқда. Шу боис, соҳага солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар бериш ҳамда ночор қолган тадбиркорлик субъектларига доимий харажатларини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш амалиётини жорий этиш лозим.

2. Хизматлар соҳаси йўналишларида лицензия ва сертификатлаш марказлашган тизим бўлиб, унинг турлари ва тўлов миқдорлари юқори, бу эса тизимда буйрократик тўсиқларни вужудга келтирмоқда. Шу сабабли, лицензия ва сертификатлар турларини қисқартириш, тўловлар бўйича енгилликлар бериш ва бошқача айтганда тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарур.

3. Худудий хокимият органларида тадбиркорлик субъектларига, хусусан хизматлар обьектларини қуриш ва ташкил этиш учун ер ажратиш тизимини соддалаштириш ва аксинча бу борада хокимлик вакиллари кўмаклашиш лозим.

4. Хизматлар соҳасининг асосини инсон ресурси ташкил этади. Кучли рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида омон қолиш ёки ютиб чиқиш, умуман олганда узоқ вақт истиқболли фаолият юритиш учун соҳага малакали етук мутахассис кадрлар ўта муҳим саналади. Шу боис, соҳанинг малакали кадрларга бўлган талабини қондириш ва уни янада инновациялар асосида ривожланиши учун кадрлар тайёрлаш тилимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда хизматлар соҳасини ривожлантириш бевосита нодавлат секторлар кенгайиши ва ривожига боғлиқ бўлади. Зоро, хусусий тадбиркорлик ва бизнесни шакллантириш бозор иқтисодиёти тамойилларининг асоси ҳисобланади. Хизматлар соҳаси мураккаб ва кўп қиррали тизим бўлиб, савдо, транспорт, таълим, сугурта, умумий овқатланиш, меҳмонхона ва бошқа кўплаб фаолият йўналишларини қамраб олади ва ҳозирги иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, унинг ривожи жамиятда тобора мураккаблашиб, индивидуал кўринишга эга бўлиб бораётган талаблар қондирилишини таъминлашга имкон яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб– қувватлаш чора– тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4752–сонли Қарори. <http://www.lex.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 16 июндаги “Хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривож—лантириш масалалари”га бағишлиланган йиғилишдаги нутқи. **Ошибкада! Недопустимый объект гиперсылки.**

3. Goldsteina S.M. and other. The service concept: the missing link in service design research // Journal of Operations Management. №20 (2002), 121–134 р.

4. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

Досмухамедов Нусрат,
ст. 2–го курса гр. ЕК–41, фак. «Экономика»
Умарова Гузал Гайратовна,
научный руководитель, доц.
каф. «Экономика отраслей», ТГЭУ

ЛИКВИДАЦИЯ ГОЛОДА И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ СТРАНЫ

Аннотация: тезис посвящен проблеме голода и продовольственной безопасности, Второй Цели устойчивого развития ООН и путям поэтапного решения общемировой проблемы голода.

Ключевые слова: нулевой голод, ликвидация голода, продовольственная безопасность, содействие устойчивому развитию сельского хозяйства, Цели устойчивого развития.

Всем известно, что питание является базовой биологической потребностью человека. Удовлетворение потребностей человека в продуктах питания – это материальная основа биологического, социального и духовного существования каждого индивида, домохозяйства, человечества в целом. Проблема продовольственного обеспечения существовала на протяжении всей истории развития человечества; за всю свою долгую историю меняла лишь формы проявления, масштабы и остроту. Мировая экономика представляет собой совокупность национальных экономик государств мира в системе их взаимодействия и взаимозависимости; их производственных, торговых, кредитных, научно–технических, финансово–организационных объединений и предприятий, связанных международным разделением труда и соответствующей системой международных экономических отношений. Мировая экономика, ее сущность, объективные основы становления и особенности развития в начале XXI века – это качественно новый уровень развития производительных сил, особенности которого обусловлены постиндустриальными или информационно–производственными технологиями и соответствующими им производственными отношениями, а также отношениями интеллектуальной собственности.

Обострение продовольственной проблемы затрагивает жизненные интересы потребителей, производителей сельскохозяйственной продукции, а в современном мире – и господствующих в агропродовольственной сфере транснациональных корпораций. Эта проблема является чрезвычайно актуальной и сегодня. В мире, где